1994 йил. Май

Оила ВА Жамият

عائله و جمعیت

16 СОН

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • • Баҳоси эркин нархда •

Чўпонотага марҳамат

Ўзбекистон бугун қўплаб йирик халқаро спорт мусобақалари ўтказилаётган мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда. Мамлакатимиз пойтахтида футбол бўйича бўлиб ўтган халқаро "Тошкент турнири" ҳовури ҳали қалбларимизда совиб ул-гурмасидан яқин кунлар ичида — 28 майдан 5 июнгача катта теннис бўйича Тошкентда мавқеи жиҳатидан жаҳондаги энг нуфузли мусобақаларга тенглаштирилган "Президент кубоги" турнири бўлиб ўтади. Ушбу мусобақанинг бошланиши жаҳон теннис усталари ва ишқибозлари томонидан сабрсизлик билан кутилмоқда.

Май ойининг охирлари — 28, 29 май кунлари мамлакатимизда, қадим Самарқанднинг Чўпонота ҳудудида яна бир йирик халқаро турнир — 1 июн Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, Халқаро автопойга турнири бўлиб ўтади. Бу мусобақада Марказий Осиё мамлакатларининг юздан зиёд энг чаққон автопойгачилари куч синашадилар.

Ғолибларни жаҳоннинг энг машҳур фирмаларида тайёрланган ўта замонавий, хилма-хил аудио техникалар ва бошқа совринлар кутмоқда.

Ушбу халқаро турнир таъсисчиси ва ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси корхоналари ассоциацияси, ҳомийси жамғарманинг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидир.

Илк Ғалаба байрамидан бери деярли ярим асрга яқин вақт ўтди. Аммо ҳамон бу улуғ айём қалбларимизни фараҳбахш қувонч, шодликка чулғайди. Уруш иштирокчилари, фахрийларни йўқларканмиз юрагимиз ғурурдан сарбаланд. Айём билан қутларканмиз уларнинг кўзларида милтиллаган ёшни артиб, дегимиз келади: бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

УШБУ СОНДА:

Наби ЖАЛОЛИДДИН:

ИЛОҲАЛАР ЎЛМАСЛАР, АММО...

4-бет

Беруний СУЛТОНЗОДА:

АЖИНА ҲИНДИСТОНДА ТУҒИЛГАН

7-бет

Шахсий фикр

ХАТ ҚАНДАЙ ЁЗИЛИШИ КЕРАК?

Хатлар кишилар ўртасидаги дийдор элчисидир. Баъзан тенгдошларимнинг ёзган хатларини кузатаман. Қупқуруқ ёки чайналган, сийқаси чиққан сўзлардан иборат. Солдатларнинг хатларини кузатаман. Битта қолипдан чиққандек ҳаммаси бир хил, ҳол-аҳвол сўраш, об-ҳавонинг қандайлигини суриштириш, ўзининг саломатлигини билдириш, ҳормай-толмай хизматини ўтаб юрганини, насиб бўлса тез ва қисқа вақт ичида соғ-омон етиб боришини айтиш. Шу билан хат тамом. Бундан анча вақтдан бери хабар кутиб ётган ота-она албатта тўлиқ қониқиш ҳосил қилмайди.

Янги борган солдат уйни соғинади, ҳам зерикади. Уйидан, дўстларидан хат кутади. Ўз навбатида бошқалар ҳам. Аммо қоғоз орқали дийдорлашишнинг аксарияти юқорида айтганимиздек қуруқ сўзлардан иборат. Зўр бўлса яна охирига, кимнинг ўғли ёки қизи тўй бўлганини қистириб ўтади.

Нима учун хатларимиз қупқуруқ? Қани энди солдатларимиз ҳам армия ҳаётидан кичкинагина воқеани қизиқарли қилиб ёзиб мана шундай қилиб юрибмиз деса. Ёки тенгдошларининг бир-бирига ёзган хатида дўстларининг феълига хос қилиқларини ёзиб соғлиғини билдирса ёки олдин ўтган қизиқарли воқеани енгил шаъма билан эслатиб ўтса. Бирон бир дўстлар гурунгини ва шунда бўлган тенгдошлар ҳазилларини ёзиб юборса? Шу хат баҳона киши бир дақиқа ўзини дўстлари ичида юргандек тасаввур этарди. Қисқаси хат-хатдек ёзилса, дейман.

Улуғбек ЖАББОРОВ

Р. АЛЬБЕКОВ сурати

КИМГА РАҲМАТ ДЕЙ?

Табиатан оққўнгилман. Ҳайитгул момо билан гурунглашиб ўтирарканмиз, уни саволлар бериб безотва қилгим келмайди. Биламан, момо кўп қийинчиликларни кўрган, бисотини титкилаб кўрса, соъмени йиглатгувчи хотиралари бор.

Ҳар ким ўз ҳоҳишининг йўригига юради. Момони жим тинглайман. Раво кўрса, ўзи сўйлар. Ҳайитгул момо эса, ҳозирча хурсандчиликдан гапираяпти. Невараларининг, атрофини қуршаган ширин-шакар невараларининг болаларча қилиқларини кўриб, айтиб суюнади. Кенжа ўғлининг ҳам балоғатга етиб қолганлигини дилида худога шукроналик билан қайд этиб кўяди.

— Кимга раҳмат дей,— изҳор этилмаган миннатдорчилик ҳисси юзларида балқиб сўйлайди момо.— Болаларимнинг отаси қазо қилиб кетганида саккиз болам билан қолувдим. У пайт кенжатойим эмизикли эди. Мана шу кенжа ўғлим Баҳодирга ўша вақтдан бошлаб то мана шу бугунгача давлат ёрдам пули бериб турди. Баҳодирим 18 мартда балоғат ёшига етди. Ҳатто, март ойигаям "Баҳриддин пўчта" уйимизга келиб пул ташлаб кетди. Не кунлар ўтмади бу бошдан. Кўпинча шундай бўлардики, кунимиз ўтишига менинг нафақам билан шу кенжатойимга бериладиган ёрдам пули аскотарди. Энди худога шукр, болаларим бари эр етган, барчасиям топарман-тутарман. Ўз кунига омон бўлсин, ишқилиб...

"Онали етим — гул етим, отали етим — шўр етим", дейишади. Ушбу нақлнинг ҳақлигини Ҳайитгул момо исботлади. Етти ўғил, бир қизга ҳам оталик, ҳам оналик қилиб, вояга етказди. Аёл боши билан пул топиб, ўзи емади, болаларига едирди, кийдирди. Уч ўғлини ўқитиб, олий маълумотли қилди. Қизини турмушга узатди. Беш ўғил уйлади.

Инсон табиати қизиқ. Шодон кунларидаям юрагининг бир чети "жиз" этиб туради. Ўтган хуш-у нохуш кунларидан қолган хотиралар уни барибир тарк этмайди. Аксинча қайгули дамларида ўтмиш шодон кунлар хотираси ҳарна дилга таскин беради. Ҳайитгул момонинг теран жимлик ичида қолганини кўриб сездимки, момони хотиралар чулгади. Ажабмас, бирортасини бизгаям илинса. Ҳа-а...

— Бердиёржон (учинчи ўғли) 12-13 яшар эди.. Ҳовлимизда икки-учта қорамол бўларди. Ёз кунлари сой тарафга арқонлаб боқардик. Туш вақти Бердиёрни эшакка мингазиб, икки плаг (фляга) сув ортиб жўнатардим, суғориб қайтарди. Бир куни одатдагидай Бердиёрни молларга жўнатдим-у уй ишларига уннаб кетдим. Бир вақт қўшнимиз чақириб қолди.

— Бир бола йиглайдими, сой тарафда? Қаранг-да, Бердиёрингиз-ов,— деди у.

"Сой" биздан бирон чақиримлар нарида бўлса-да, ҳовлидан кўриниб турарди. Қарасам, Бердиёр сигирларнинг ёнида гужанак бўлиб етиб олган, бақириб йиглаяпти. Юмушлар жой-жойида қолди. Ҳаёлимга "ялт" этиб "илон теккан" деган фикр келди. Худо-ё, тавба. Кўнгил — душман-да. Шу чопгандан-чопдим. Йиқилиб тушаман, эмаклайман, туриб яна чопаман. Югуриб борар эканман, худди болагинамни бошқа кўролмайдигандай бўлавераман. Нуқул бир гапни айтиб, йиглаб бораяпман:

— Тур, ҳов Бердиёр! Болагинам, ўрнингдан бир тур! Бўйингни бир бор кўрайин! Бўйингни бир кўрсат, болам!..

Ҳовлидан то "Сой"га югуриб борганимча бутун ҳаётим, қийинчиликларим, айниқса, Бердиёр туғилганидан шу дамгача кечган кунлар ҳаёлимдан бир-бир ўтди. Ўша ярим соатлар чамаси вақт ичида ўйлаган нарсаларимни бамайлихотир икки-уч кун ўйласа керак, киши... Хайриятки, ўшанда Бердиёрни илон чақмаган, сув олаётганида плаг оёғига тушиб кетган экан. Худонинг кўзи тўғри бўлсин-да, ҳамиша...

Ҳайитгул момонинг айтганларини тинглаб, ўйлаганим шу бўлдики, ҳар бир аёлнинг баркамол фарзанд тарбиялаш учун сарфлайдиган улкан саботи бўлади. Ва яна ҳаёлимдан "агар бу сабот тошдан гул ундирмоққа истифода этилганида эди, тошдан-да гул унарди, балким", деган фикр кечди. Ҳаёт — ҳамма вақт имкон, у сенинг бутун орзуингнинг, қобилиятингнинг юзага чиқиш эҳтиёжини қондиради.

Ҳайитгул момо тошдан гул ундирмади-ю, бутун саботини фарзандлари тарбиясига бахшида этди. Бироқ, шунинг ўзи тошдан гул кўкартмоққа кифоя эмасми? Башарти шундай бўлгач, сабот гули очилгач, унинг кўнгилларга берувчи роҳати, муаттар ҳиди ҳам бўлади. Бунга яна мушоҳадамиз қаҳрамони мисол. Ҳайитгул момо Қулжонова бугун ўз оиласи билан Ғаллаорол туманидаги Авлиё қишлогида тўкин-сочин, кўнгли тинч ҳолда умргузаронлик қилмоқда.

Икром ИСКАНДАР

Етти кун

КАЛЛАЛИ

Термиз Давлат Дорилфунуни профессори, физика-математика фанлари доктори Эргаш ТЎРАЕВ ўта ўтказгичлар мавзуидаги илмий иши эвазига Халқаро "Сорес" мукофотининг совриндори бўлди. Дастлаб ғолиблик учун Ҳамдўстлик мамлакатларидаги олимлардан 5 мингдан зиёдроғи калла ишлатиб кўрди. Аммо...

Айни кунларда ҳамюртимиз Эргаш ака Тўраев 50 минг долларлик ушбу мукофотни олиш учун Москвага бориш тараддудида юрибди.

ҲОТАМТОЙНИНГ АВЛОДЛАРИ

Шеробод тумани марказий шифохонаси бош врачи Халил Раҳмонов ва шу ерда даволанаётган 600 нафар беморнинг кўнгиллари хуш бўлди. Сабаби, Йўлдош Жумаев, Иброҳим Қўзиев, Улуғбек Қулиев каби қўли очиқ фермерлар ҳамёнларидан 14 миллион сўм сарфлаб, 600 ўриндаги чойшабларни янгилаб беришди.

ТУФЛИСИГАЧА ЕЧИБ ОЛДИ

Наманганлик 1977 йилда туғилган У. Қ. куппа-кундузи йўлтўсарга дуч келиб қолди. Йўлтўсар унинг чўнтагидаги бор пулларини шилиб олиш билан кифояланмай эгнидаги костюмини ва оёғидаги туфлисини ҳам ечиб олди.

Шукрки, У. Қ. ялангоёқ қолиб кетмади. Милиция ходимлари томонидан қароқчи қўлга олиниб, унинг буюмлари ва пуллари қайтарилди. Қароқчи ҳеч бир жойда ишламайдиган, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб юрувчи Э. исмли шахс экан.

ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎТИШДИ.

Самарқанддаги собиқ пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ишни янгича ташкил этмоққа жазм қилдилар. Бу борада биринчи қилинган иш бирлашма номини ўзгартириш бўлди. Жамоада энг яхши ном учун танлов эълон қилинди.

Эндиликда фабрика "Маҳси" ҳиссадорлик жамияти деб аталаяпти.

БЕРДИ ХУДО

"Тошкент оқшоми" газетасида "Буюк давлат бунёдкорлари" танлови якунланди. Танлов шартига кўра, шу мавзуда ёзилган энг яхши мақола муаллифларидан тўрттаси ғолиб деб топилди. Мукофотланганлар орасида "Оила ва жамият" мухбири Нормурод Мусомов ҳам бор.

ЎРГАНИШМОҚДА

ТошДД филология факультети, журналистика бўлими битирувчиси Райҳон Жумаеванинг "Оила ва жамият": муаллифлар, жанрлар, тамойиллар" мавзуидаги диплом иши аълога баҳоланди. Демак, таҳририят юки ҳеч қачон ерда қолмайди. Муҳими, газетхонларга нимадир керак. Ушбу керак нарсани эса, улар хоҳлаганича топишиб, чанқовбости қилишяпти.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

ШИРИН ТИЛНИНГ ШИФОСИ

Бундан ўн беш йиллар муқаддам шифохонага етадиган бўлиб қолдим. У-бу бўлиб, шифохонага жуда кеч — барча врачлар кетиб қолганида бордим. Кечқурунги шифохона манзарасини кўз олдингизга келтиринг. На бирон таниш бор, на бошқа... хонага жойлашиб бўлгач, ғарибгина бўлиб, қунишибгина ўтирган эдим, ҳамшира келиб, навбатчи врач чақираётганини айтди. Унинг ортидан эргашиб, бир хонага кирдим. Мени ўта хушмуомала бир киши кутиб олди. Ҳужжатларим билан танишиб ўтирган экан. Анча гаплашиб қолдик. "Мен сизни биламан", деди у киши бир пайт. Битта спектаклимнинг ёзувини радиодан эшитган экан... "Мен Холмамат Тошбоевман,- деди кейин.- Соғлиқни Сақлаш Вазирлигида ишлайман, малакам йўқолиб кетмаслиги учун бу ерда навбатчилик ҳам қиламан".

Шундан кейин у киши билан қадрдон бўлиб кетдик...

Болалигидан адабиётга меҳр қўйган ("аслида журналистликка ўқимоқчи эдим, лекин отам: "болам, бобонг катта табиб ўтган, у кишининг амалини давом эттир", деганларидан кейин медицина институтига кирганман") Холмамат ака бу меҳрини шу бугунга қадар сақлаб қолгани ҳолда, адабиётдаги барча жараёнларни кузатишидан ташқари, жуда кўп ёзувчилар билан таниш, борди-келди қилади...

Ховосда, темир йўл биқинидаги қишлоқда катта бўлган Холмамат ака аждодларидан меросми ёки адабиётга меҳри таъсиридами, ҳар қалай, медицинанинг энг муҳим "қуроли"и — хуш, муомалани пухта эгаллаган. "Табибнинг ўзи табиб эмас, ширин сўзи табиб" деган нақлга, афсуски, барча врачлар ҳам амал қилавермайди. Аммо, бу нақл Холмамат аканинг ҳам шиори, ҳам ҳаёти ва касбининг моҳиятига айланган.

Шунинг учун ҳам у қаерда, қай лавозимда ишламасин, ҳар доим энг аввало врач бўлиб қолган, беморларни ҳам амали, ҳам ширин сўзи, хуш муомаласи билан даволаган.

Институтни битирганидан кейин фаолиятини қишлоқ шифохонасида бошлаган Холмамат Тошбоевнинг иқтидори мутахассис ва мутасаддиларнинг назаридан четда қолмади. Тез орада унга бош врачлик лавозими топширилди. Маълумки, бош врачлик лавозими даволаш ишларидан кўра кўпроқ ташкилий ишлар билан шуғулланишни тақозо қилади. Аммо, Холмамат ака лавозими тақозо қилган барча ишни ўрнига қўйгани, бу билан ҳам минглаб беморларнинг дардини аритишга ҳисса қўшаётганини ҳис қилгани ҳолда, барибир, кишиларга шифо беришда ўзи бевосита иштирок этиши лозим, деб ҳисоблайди ва бевосита иштирок этади ҳам.

Замонавий тиббиёт саёзликни кўтармайди, врачдан илм билан мустаҳкам алоқада бўлишни талаб қилади. Буни билган Холмамат ака амалий ишдан ташқари илмий фаолият билан ҳам шуғулланади ҳамда тез орада медицина фанлари номзоди бўлади.

Тошкентга келганидан кейин 1-шаҳар шифохонасида, Республика Қон қуйиш институтида бош врач ўринбосари бўлиб ишлаганида ҳам, Соғлиқни Сақлаш вазирлигида, бошқа тиббиёт ташкилот ва масканларида хизмат қилганида ҳам Холмамат Тошбоев фақатгина битта нарса — инсон саломатлиги учун, инсон саломатлиги йўлида меҳнат қилган.

Бу йил — Оила йили деб эълон қилингани маълум. Оила мустаҳкам бўлиши учун энг аввало унинг барча аъзоси соғ-саломат бўлиши зарур. Сиз билан бизнинг соғлиғимиз посбони, бинобарин, оиламиз тинчлигини таъминлаб турганлардан бири, камтар, заҳматкаш тиббиёт ходими Холмамат Тошбоев ўзининг эҳтимолки назарга унча ташланавермайдиган фаолияти билан мана шу муҳим ишга хизмат қилиб келмоқда.

Машраб БОБОЕВ

МЕҲР ИПЛАРИ

— Ҳай, дадаси, туринг, опангиз оғирмиш...

У сапчиб ўрнидан турди. Бирмунча вақт жойида гарангсиб туриб қолди. Апил-тапил ювинди, кийинди, шу асно хаёлидан бир манзара кетмади. Бу манзара йиллар бўйи хотирасида муҳрланиб қолди.

Саратон. Қуёш тенг бараварига атроф-теваракни қиздирмоқда. Баланд кўтарилган ишкомлар остидагина андак ором оласан. Лекин бола дегани оромни, иссиқни биладими, кун-уззу кун югургани югурган. Қайноқ тупроғи тўпиққача чиққан, товонларни "жаз-жаз" қуйдирган боғқўчада елкасида обкаш, қўлида яна бир челак, опаси эски қабристондаги ҳовуздан сув ташийди. Сув ташигани баробар жавраб келади:

— Ҳай Анвар, Аҳмад, ташла данагингни деб неча марта айтаман. Тупроққа қоришганларингни... Юрларинг уйга, ювинасанлар.

Опаси олиб келган челакдаги сувларини қатор тизиб кунга қўяди. Ишком остида пастаккина бир кўринади, бир кўринмайди. Пириллаб бориб катта тоғора келтиради, излай-излай ток занглари орасидан олқинди совун топади. Сўнг қўчада данак ўйнаган укаларини тирқиратиб олдига солиб келади. Худди катталардай қарғана-қарғана шўйлагини липпа уради, билагини шимаради, укаларини бирма-бир тоғорага солади. Кун иссиғида илиган сувларни устларидан сочади.

Ўшанда опаси мактабга борганмиди, бормаганмиди? Борган бўлса-да, ҳали ёш эди, нари борса, 9-10 ёшлардаги қизалоқ эди. Ҳар ҳолда онаси опаси самоварга олов ташлашига қўймасди, ундан гугуртни яшириб юрарди. Шундан опасининг ўшанда неча ёш эканлигини тахмин қилса бўлади.

Яна бир манзара хаёлидан кетмайди. Мактабга қатнаб юрган кезлари арифметикани ўзлаштиролмади. Шунда отаси ёрдамга келди. Чизғич билан бошига туширсада, унга роса ўргатди. Арифметикадан ёзма иш бўлди. Шунда у "беш" баҳо олди. Суюниб чиқса, йўлакда опаси пойлаб турибди. Тавба, ўзи ҳали мактабда ўқийдиган ўқувчи қиз-ку, катта одамдай дейди-я:

— Айланай, беш баҳо олган укамдан! Эртага катта одам бўлсанг, опангга яхши кўйлак олиб берасанмі?— опасининг кўзларида ёш айланади.

Сўнг-сўнг бу хотиралар унут бўлди. Улғайган саринг турмуш юки елкангдан тобора босиб бораверар экан. Катта бўлиб, у опасига кўйлак олиб бермади — эсидан чиқиб кетди. Фақат негадир опасининг шу сўзлари ёдида қолди. Нега энди бари хотираларни ҳозир эслаяпти? Нега энди опаси ажал билан олишаётганида хотиралари қуюндай бостириб келди? Нега энди илгарироқ ёдига солмади? Шунда раҳматли опасининг гаплари қулоқлари остида жаранглади: "Болагинам, эгачингни ташламагин-а. Сен, укаларинг эгачинг паноҳ бўласизлар-да. Хотинингни қўйиб, эгачингни деги, демайман. Ҳаммасининг ўз йўриғи, йўли бор. Хотинингниям иззат қил, жигарларинингниям ташлама".

Хотини қайнонасининг гапларини зимдан билиб қолиб, жанжал кўтарди: "Манжалақилар! Турмушимни бузишса, уйимга эгалик қилишса!.." Ўшанда хотинини урмоқчи бўлиб хезланди. Хотини ҳовлининг бир чеккасида белига қўл тираганча: "Қани урсанг ур!" дегандай турди. Шунда золим эридан бемор онасини кўришга зўрға рухсат олиб келган опаси орага тушди:

— Айланайлар, қўйинглар, бу турмуш ҳамманинг бошида бор. Мен ҳам бир хонадонга келинман. Келин, сизнинг ҳам ака-укангиз, келинингнгиз бор, — опаси аввал хотинига, сўнг унга юзланди.— Кўчадан ойда, йилда бир ўпкаси тўлиб келадиган эгачингни деб ширин турмушингни бузмагин, Анваржон. Сен биз билан эмас, хотининг билан бир умрга яшайсан.

Эҳ, умр узун, олис экан. Юракка хотираларни бирма-бир тахлаб қўяверар экансан. Керак пайтда ёдингга тушмаса, бора-бора унутаркансан. Бора-бора хотини ҳам инсофга келди, андак тушунгандек бўлди, пича муроса қилди. Бўлар бўлмас жанжалларни бас қилди. Ҳа, аввало, ўзи муросани катта қилди. Эсида, опаси ҳеч нимани даъво қилмади, ҳеч қачон ундан хафа бўлмади ёки сездирмади. Юрак ютиб, ундан бирон нарсани илтимос қиларкан, бечора олазарак бўларди: зинҳор келин билмасин, турмушига завол тегмасин.

Ҳа, жигарни жигарга жипслаштирадиган нарса аввало меҳр-оқибат экан-да. Киши жиндаккина меҳрга ҳамиша зор экан. Шу меҳр кўнгилларни бир-бирига улаб турар экан. Одамзод қизиқ, нега шуларни аввалроқ ўйламайди, қарҳисоб қилмайди? Нега энди сўнгги маррада афсус-пушаймонлар қилади?

— Илоё, опам омон бўлсин-да, тузалиб кетсин-да,— у қўлларини рулдан олиб, ўзича сўзланаётган хотинига қаради. Хотининнинг самимий гапираётганлигига шубҳа қилмади, аёлининг кўзлари ёш эди. Шунда ўзи ҳам беихтиёр хотинининг тилагини ичида такрорлади: "Илоё, опам саломат бўлсин..."

Азизлар! Биз ҳаётий бу ҳикояни яна давом эттиришимиз мумкин. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими, биз биргина фикрни айтмоқчи бўлдик, холос: орадаги меҳр иплари узилмасин... Опа, сингил, келин... барибир паноҳга муҳтож бўлади, барибир таянчга эҳтиёж сезади. Мактабдан қайтаётган қизча сочидан тортган ҳамсабоқ болакайга пўписа қилади.

— Ҳали, шошмай тур, акамга айтиб бермасамми, боплаб адабингни беради.

Ва қизалоқ акасига айтиб беради ҳам. Ака болакайнинг қулоғидан чўзиб қўяди, болакай акани ҳар кўрганида тирақайлаб қочади.

"Акамга айтиб бераман!" Шу оддийгина сўзларда қанчалик фахр, ғурур туйғулар яширин. "Мени ҳам қўллайдиган одамларим бор!" — Бу туйғу турмушда нақадар қўл келади, мадад бўлади. Баъзида ора-сира ёши бир жойга бориб қолган аёллар ҳам фахр билан гапириб қоладилар. "Эҳе, у ҳали билмай юрибди, менинг шундай акаларим, укаларим бор..."

Айтмоқчимизки, акалар, укалар табиатан заифа бўлган опаларига, сингилларига, аёлларига, қўшниларига, хизматдошларига... аёлларга мадад бўлсалар. Ҳамиша кимсасиз хокисор аёлга таянч бўлсалар... Мадад бўла билиш катта бахтлигини ҳис қилсалар...

Маъсума АҲМЕДОВА

ИЛОҲЛАР ЎЛМАСЛАР, АММО...

(Шахсий мактуб)

Ҳамиша Сизга бир гапни айтгим келади, лекин айтолмайман. Алланечук андиша йўл бермайди. Рости, бошқача тушунишингиздан қўрқаман. Бу кун эса айтишга журъат этдим, ҳар ҳолда бошқача тушунишингиз мумкин бўлган ишдан ўтганман. Мундоқ ўйлаб кўрсам, бунинг аслида мендан ҳам кўра Сизга нафи кўпроқ экан...

Мен Она ҳақида гапирмоқчиман. Бу сўзни ҳар куни неча бор тилга олавериб, уни фақатгина сўз деб тушунганимиз, унинг маънисига, у бергувчи ҳисларга эътибор бермай қўйганимиз ва бу сўзни тилдагина айтишга ўрганиб қолганимиз боис уни ИЛОҲА деб айтишга жазм этдим. Сизга ўз вужудимда кечган ва кечаётган ғалаёнларни англатиш учун бундан ўзга муносиб сўз тополмадим...

Етимлик ҳақида кўп ёзишган. Лекин ота-онадан эрта жудо бўлишнинг нима эканлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Етимликнинг ошини тотган одам сифатида Сизга айтай: тасаввур қилинг, Сиз етти-саккиз ёшли болакайсиз. Бир куни уйғондингиз, ҳар сафар сизни эркалаб, ялаб-юлқаб турғазгувчи, не-не мақтовлар ила юзингизни ювишга мажбур қилгувчи Илоҳангиз йўқ. Ҳеч ким сизга "ширин чойингни ичиб ол" — демайди. Айтсалар ҳам уларнинг сўзлари қандайдир юпун, ҳиссиз туюлади. Чойни ичасизу унинг ҳар кунгидек ширин эмаслигини ҳис қиласиз. Ана ундан сўнг сиз учун вақт деганлари тўхтаб қолади. Нима қилишингизни, ўзингизни қаерга уришингизни билмай юраверасиз. Ахир ҳар куни Илоҳангиз атрофида елиб-югуриб, ҳатто унинг ғашига тегиб ўйнардингиз, унинг шўхликларингиздан чарчаб, уришишлари ҳам хуш ёқарди сизга. Ўзингиз сезмаган ҳолда Илоҳангизнинг атрофидан кетолмасдингиз. Тунда эса... муздек кўрпага елғиз ўзингиз кирасиз, аввалгидек сизни дарров иситиб қўйгувчи бағр йўқ... Умрингиз шундай ўтаверади, нигоҳларингизга мангу мунг чўкиб, қалбингизнинг аллақаерида ҳосил бўлган бўшлиқ каттариб бораверади, унинг ҳувиллашини тинглайдиган бўлиб қоласиз.

Болалигимда бировлар менга яхши гапирса, меҳрибонлик қилса ёмон кўрардим. Гўё раҳми келаётгандек туюлаверарди менга... Интернатимизда мен каби етим болалар учун бепул кийим-бош бериларди. Биласизми, бечора домламиз кўнглимга қараб, ўша кийимларни бировга кўрсатмай, елғиз ўзимни чақириб берса ҳам, сўнг олмайман, деб туриб олардим. Ҳатто қочиб кетиб, бир ерларда йиғлаб юрардим. Нега энди ҳаммага эмас, айнан менга беришади ўша латта-путталарини? Демакки, мен барчанинг раҳми келиши шарт бўлган бахтсизларнинг бахтсизи эканман-да! Йўқ, буни Сизга тушунтиролмайман!

Қалбдаги бўшлиқ каттариб бораверади...

Баъзан дўстларимнинг уйларига борардим. Улар дарвозадан кира солиб Илоҳаларига ёпишишарди, овқат сўрашарди, эркаланишарди. Уларнинг уйлари ҳам қандайдир ёруғ, нурафшон бўларди. Кулсалар овозлари оламни тутгудек эди. Мен эса бундайин эркаликни ҳеч кимга қилолмасдим. "Овқат борми?" — дея бировдан баралла сўролмасдим, эшитаяпсизми, сўролмасдим. Мен овқат ейиш эмас, уни болалардек сўраш лаззатидан маҳрум эдим. Индамай бағримнинг ҳувиллашини тинглардим...

Уйланишимдан тўй кечаси ўзим истамасам ҳам, исташдан безган бўлсам ҳам қалбим кимнингдир ёнишини роса кутди. Ана, ўйинга тушаётган одамлар орасидан Илоҳам ўтиб келаяпти. Ҳозир енимга келади-ю пешонамдан ўпади, иссиқ кафтлари билан сочимни силаб қўяди. Аммо у келмади, ҳеч ким пешонамдан ўпмади. Кўксим ачишиб, кўзларимдан соғинч сизди. Бу нима? Энг бахтли онимда ҳам мени ўйга толдирган, йиғлатган не қудрат? Бу бағримда каттариб бораётган ёшингни кўрсатиш уят. Фаред эса барибир отилиб кетади:

Буви (ойи), мен ҳам йигит бўлиб уй солаяпман, эшитаяпсизми? Келинг, тиззангизга бошимни қўйиб бир пасгина ётай, бувижон! "Роса қийналдинг-а, болам, овқатингни иссиғида еволгин" — денг. Бошимни силанг, бувижон! Бир пасгина юзимга тикилиб ўтиринг, жо-он бувижон!.. —Лекин ҳеч ким келмайди, қалбимнинг ҳувиллаши энди оламни тутади. Уй деворларидан унинг кўзларини излайман. Гўё ҳозир Илоҳамнинг нигоҳини учратадигандек интиқ термуламан. Бояги фаред яна қутқу солади. Биров эшитмасин, дейману оғзимни тўсаман, афсуски кўз ёшларини тўсиб бўлмайди.

Умр эса ўтмоқда, мана ёшим ҳам ўттиздан ошди. Энди болалигимдаги феъл-нинг аксича кимнингдир менга меҳрибонлик, шафқат кўрсатишини истайман. Аммо одамларнинг кўзларига шубҳа билан қарайман, суҳбатдошимнинг нигоҳида самимият борми-йўқми, дея иккиланаман... Биласизми, энг буюк самимият Илоҳанинг болага, боланинг Илоҳага бўлган муносабатидагина кўринади. Балки мен Илоҳамдан эрта жудо бўлганим учун ҳам чинакам самимият қандай бўлишини билмасман. Ахир Илоҳамнинг кўзларини эслай олмайман-ку. Эҳтимол шунинг учун ҳам одамларнинг кўзларига шубҳа билан боқарман...

Йиллар ўтар, Оллоҳ берган умрни яшарман. Аммо мен барибир қалбимдаги ўша бўшлиққа йўқиб ўламан. Бошқа илож йўқ, уни тўлдириб бўлмайди. Етмиш-саксонга кирганимда ҳам Илоҳамни соғинаман, сўнгги сўзим ҳам унинг номи бўлади.

Азиз биродарлар, укалар, агар Илоҳангиз ҳаёт бўлса, тўйиб-тўйиб тикилиб олинг. Ҳар куни тиззасига бошингизни қўйиб, маза қилиб эркаланинг. Уялманг, ахир у Илоҳа — ҳар қандай тантиликларингизни кўтараверади. Айтганимни қилинг! Кейин кеч бўлади. Илоҳалар ўлмасалар-да, кетиб қоладилар. Қайтмайдилар... Мен Сизга шуни айтмоқчи эдим.

Наби ЖАЛОЛИДДИН

ОИЛА КЎНГИЛ СУВИДАН ЯРАЛАДИ

Маълумки, жамиятда эркаклар қанча устун бўлса, аёлларнинг ўрни ҳам шунчалик юксак. Бас, шундай экан, аёлдир, эркакдир энг аввало, жамият олдидаги масъулиятимизни унутмаслик керак. Шундай эрлар борки, юрагида қандай дардлар бўрони бўлмасин, ўзини доимо идора эта оладилар. Шундай аёлларимиз борки, қанча жабр-зулм, хўрликка дучор бўлмасин, ўз фарзанди, пок муҳаббати учун барчасини ичига ютиб юраверадилар. ...Бироқ, беш бармоқ баравар бўлмаганидек, одамларнинг ҳам хили кўп-да.

Ҳарбий комиссариатдан ҳаёт фаолияти ҳали ёритилмаган собиқ жангчилардан бирининг манзилини билиб, йўлга чиқдик. Биз қидириб борган оқсоқол саксондан ўтиб қолган бўлсада, анча дадил эди. Унинг ўтмиш жанг хотиралари, дахшатларини ҳайрат билан тингладик. Орден-медаллари, ҳужжатлари билан танишдик. Аммо отанинг жангдаги қийинчиликларидан кўра ўглининг қилмишлари қалбимизни кўпроқ ларзага солди. Отахондан ўглининг ким бўлиб ишлаши, қачон ишдан келиши ҳақида эзиб сўрайверганимизни тинглаб турган ўрта ёшлардаги, юзлари заҳил бўлиб қолган келини гапга аралашиб деди:

— Отажон! Энди мени кечиринг! Дардларимни мухбирларга айтмасам ёрилиб кетаман.

Ота огир хўрсиниб, бош эгди. Келини дадиллик билан давом этди:

— Мен хотин бўлиб унинг қўлига келганимда у ҳали талаба эди. Ўқишини битиришини кутиб қайнона, қайнотамга андармон бўлиб яшайвердим. Бу орада катта қизим ва шу қаршингизда чой қуйиб ўтирган ўглим туғилди. Хуллас эрим ўқишини тугатиб келди. Ҳаётимиз яхши эди. Машина олдик, болаларимиз кўпайди. Аммо у бирдан ҳаво айнигандек айниб, бир мегажинни топди-ю, кетиб қолди. Кўп ўтмай қўлимдаги болам бевақт вафот этди, яна бири-икки яшарлиги ичикиб ўлди. Катта ўглим ҳозир тўққизинчида ўқийди. Ғам-аламдан қийналиб жуссаси тобора кичрайиб кетяпти. Бундан кейин туғилган ўглим шундай бир дардга чалиндики, бормаган касалхонамиз, кўрсатмаган докторларимиз қолмади.

Шундай қилиб, иккита ўлган боламнинг доғи, битта дардисар бола аҳволи мени бутунлай эзиб ташлади. Яқинда қайнонам ҳаётдан кўз юмди. Катта қизим оилали бўлган. Шу беш-тўрт бола билан отамнинг нафақаси, ўзимнинг ойлигим эвазига кун кўраяпмиз.

У номарддан бизга ҳеч нарса керакмас. Болаларимнинг ғам-андуҳда ўсаётгани менга алам қилади, холос. Яна у олий маълумотли эмиш...

Бечора она ортиқча гапиролмади. Биз ҳам чорасиз эдик. Чунки орадан анча вақт ўтган, унинг эри иккинчи хотинидан ҳам 5-6 та болали бўлганди. Бориб учрашганимизда у ўзини ҳар томонлама оқлашга уринди. Охири барчасига "тили заҳар" хотини сабабчи эканини айтди. Ростдан хотиннинг "заҳарли тили" уни йўлдан оздирдими? Ахир, бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириш шартмиди? Ҳеч бўлмаса иккинчи хотини билан кетаётиб, бири-биридан ширин ўгил-қизларини ўйламадими? Иккинчи хотини эса бу кишининг рўзгорини заҳарлаётганини сезмадимикан?

...Ўзаро ҳангомалашиб ўтириб бир ҳамсуҳбатимизнинг оилавий аҳволидан гап очилиб қолди. Бу киши олти боласи билан оиласини ташлаб чиқиб кетганини билиб, уни аямасдан қойидик. Аччиқ-аччиқ гапларни айтиб юбордик. Лаблари кўкариб, юраги ёмон бўлиб қолди. Биринчи ёрдамдан сўнг ўзини яхши сеза бошлади. Кейин дардини очиб қолди. Маълум бўлишича улар яхшигина яшаётган экан. Қуёви, яъни синглисининг турмуш ўртоғи унинг хотини билан "дон олишаётгани"ни билибди-ю, уйни тарк этишга мажбур бўлибди. Болаларимдан оёқ узганим йўқ, — дейди алам билан. — Ўзолмайман ҳам. Улар ўзимнинг болаларим... Майли, мени айбдор билиб юраверишсин. Бу сирни ҳеч кимга очолмайман. Чунки, синглимнинг ҳам турмуши бузилишини хоҳламайман..."

Тўғри гуручнинг ҳам қурмаги бор дейдилар. Эрлару аёллар ичида бундайлар кам деб бўлмайди. Бўлса бордирда, — деб бепарво юришимиз ҳам инсофдан эмас. Қингир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади деганларидек, қачонлардир барча шукур-ношукурчилигимиз учун жавоб беришимизга тўғри келади-ку! Бироқ бу пайтда вақт бой берилган бўлмасмикан?!

Неъмат ОРИФ

АБУ АЛИ ИБН СИНО

«ДАФЪ — УЛ —МОЗОР»

ТЎҚ ҚОРИНГА СУВ ИЧИШ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

Таомдан сўнг ичилган сув ошқозон (меъда) ишини бузиб, таом ҳазм бўлишини секинлаштиради, ҳазм бўлиши қийин бўлган ёғли таомни тепага — бўғизгача кўтаради. Бу ҳолатлар эса жигар ва меъданинг касалланишига сабаб бўлади.

ОЛДИНИ ОЛИШ

Зудлик билан суюқлик чиқишини тезлаштирадиган нарсаларни тановул қилмоқ лозим. Масалан, беҳи шундай хосиятга эга. Бу хусусда беҳига тенг келадиган нарса йўқдир. Шунингдек, сув таом ҳазм бўлишини қийинлаштирса шароб еки асал ичиш лозим, токи сув ичишдан кейин пайдо бўлган совуқликка барҳам берсин.

ФУҚҚОЪ ЗАРАРИ ХУСУСИДА

Жигар, мия, юрак, меъда, ўт халтаси, ичаклар, сийдик йўллари ва ўт халтасига зарар етказиб, уларнинг фаолиятини заифлаштиради. Сўнг, бунинг оқибатида, титроқ, фалаж, сийдик тутмаслик, қичима каби хасталикларни келтириб чиқаради.

Бўза айниқса асабга ортиқча зарарлидир, инсон қувватини кесиб, жимоъ (жинсий яқинлик)ни заифлаштиради. Фуккоъ тана ҳароратини пасайтириб, асабни ишдан чиқариши туфайли инсон табиатига зид ва тўнгизфеъллик каби аломатларини юзага келтиради.

ОЛДИНИ ОЛИШ

Ёнгоқ, бодом ва бошқа мағзли емишларни истеъмол қилинсин. Фуккоъдан сўнг май ичмоқдан тийилиш лозим, зеро май бўза каби асабларни заифлаштиради. Аксинча асал ялаш зарур.

КЎП ШАРОБ ИЧИШ ЗАРАРИ

Иссиқ мижозли кишида томирларда зардоб ортиши, қон қуюқлашиши туфайли қон ҳаракатини сусайтириб, ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Агар киши совуқ мижозли бўлса, асабни ишдан чиқаради ва шароб таркибидаги сирка кишида ёмон қиликларга рағбат уйготади. Сирка бу ҳолатда асабларни китиқлаб, охир-оқибатда кишида совуқ сакталик, сакта уйқуси, фалаж, титроқ, лаҳва ва карахтлик каби дардларга йўлиқиши мумкин.

ОЛДИНИ ОЛИШ

Агар киши иссиқ мижоз бўлса, қон олдирсин ва ичини ювсин. Кўпроқ анор сувини ичсин. Анор шароби бўлса яна яхши. Агар совуқ мижозли бўлса, доривор гиёҳлар илдизини сувда қайнатиб ичсин.

ИЗОҲЛАР: чорғон (тўрт унсур) қон зардоб, савдо (қадимий табобат тасаввурида қора рангли суюқлик), балғам: фуккоъ — бўза, пиво; жимоъ — жинсий яқинлик; совуқ сакталик — ҳис ва ҳаракатдан тўхтаб қолиш; Сакта уйқуси (летаргия) — узоқ давом этадиган уйқу; лаҳва — юз фалажи.

Таржимон ва изоҳлар муаллифи Ш. ВАФО.

Дераза

ЭПЛАГАН ЭГАЛИК ҚИЛАДИ

Бишкекдаги машҳур Аламедин бозорининг сотилиши ҳақидаги мишмишлар тасдиқланди. Бозор ҳозирча ишлаб турибди. Аммо унинг тақдири деярли ҳал бўлган. Бозорнинг собиқ маъмурияти — эгалари бор молмулкини гаровга қўйиб, тижорат банкидан катта қарз кўтарганди. Вақтида қайтаролмагач, банк бозорга тўла хўжайин бўлиб қолди. Энди бозор очиқ савдога қўйиладиганга ўхшайди. Банк бозорнинг 350 кишилик жамоасини ҳам ишдан бўшатиш ниятида.

ТЭТЧЕР ХОНИМГА СОВҒА

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер неча йилки, беш соатдан ортиқ ухламайди. Унинг ишдан бўлак "хобби" — эрмаги йўқ эмиш. Собиқ бош вазир сўзининг қадрига етадиган аёл: маърузасининг бир дақиқаси 400 фунт стерлинг туради.

Айтганча, Озарбойжон раҳбари Ҳайдар Алиев яқинда Лондонга борганда Тэтчер хонимга унинг суврати туширилган гилам совға қилди.

ЖАҲЛИНГИЗ ЧИҚСА — МУШУГИНГИЗНИ СИЛАНГ

Англияда "Уй ҳайвонлари ва табобат" деган жамият бор. Жамиятнинг тавсиясига кўра, киши толиққан, асабийлашган кезлар кунда уч маҳал, овқатланиб бўлгач, мушугини силаши керак эмиш. Ҳайвонлар ҳаёти ҳақида 11 китоб муаллифи Брюс Фогелнинг айтишича, нафақат мушуклар, балки акваримдаги балиқлар, қушлар ёрдамида ҳам шифо топиш мумкин.

ОИЛА

61 ЁШДА

Сирдарё шаҳрида ҳамма шарт-шароити етарли, катта боғ ҳовлимда яшайман. Касбим ўқитувчи, ростгўй, кўнгли очиқман. Умр йўлдошим қазо қилган. Ўғил-қизларимни уйлик-жойлик қилиб бўлганман. Бироқ, ҳар бир инсоннинг бир ҳамдами бўлмаса қийин экан. 40-55 ёшгача бўлган покиза, вафодор муслима бир аёл билан танишиб, бир умрга тинч-товут яшамоқчиман (бир-икки фарзандлари бўлса ҳам яхши) "Оила-308".

28 ЁШДА

Қашқадарёлик. Турмушга чиқмаган, камтарин, келишган, хушмуомала муаллима қиз, 29-35 ёш орасидаги иймон-эътиқодли йигит билан яқиндан танишиб оила қуриш ниятида. Ўзбекистоннинг қайси вилоятида яшаши аҳамиятсиз. "Оила-309"

Р. АЛЬБЕКОВ сурати

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ширинтой ўғлим НОДИРЖОН! Сени 6 май туғилган кунинг билан бутун оила аъзоларимиз номидан чин юракдан табриклайман. Илоё, умринг, узоқ бўлиб, ҳаётингга жамики шодлик-қувончлар ҳамроҳ бўлсин, деб ойижонинг УМИДА,
Тошкент шаҳри

***

Суюкли жиянчаларим АЗИЗА ва РАВШАНЖОН! 2-5 май туғилган кунларингиз муборак бўлсин. Соғ-саломат ўсиб-улғайиб, бахтли-саодатли бўлинглар! Оллоҳ сизларга мададкор бўлишини тилаб, аммангиз МУБОРАК.
Тошкент шаҳри.

***

Азизим, Озодахон ҚОСИМОВА! Мен Сизни 40-баҳорни қаршилаётганингиз билан чин юракдан табриклайман. Умрингизга бахт, соғлик, шодлик ҳамиша ёр бўлсин.
Жуфтликдаги ҳаётимиз асалдек ширин, асрлардек узоқ бўлишини истаб, умр йўлдошингиз Ёқубжон ҚОСИМОВ

***

Ҳурматли отамиз Маманазар ТОҒАЕВ ва онажонимиз Ҳанифа ТОҒАЕВА!
Биз фарзандларингиз сизларни табаррук 60 ҳамда 54 ёшга тўлишингиз билан чин дилимиздан табриклаймиз. Тану жонингизга саломатлик тилаймиз. Умрингизга умр қўшилсин. Неваралараларингизнинг ҳузурини кўринг.
Ҳамиша саодатли бўлингизлар.

***

Ҳурматли ва азиз падари бузрукворим Ўразали ҚУЛМАТОВ!
Сизни 6 май — таваллуд топган кунингиз билан табриклаймиз. Яратган Оллоҳдан Сизга соғлик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик сўраймиз. Умрингиз узун бўлсин.
Ўғлингиз МАШҲУР,
Жиззах вилояти, Бўстон шаҳарчаси

***

Азиз ва меҳрибон дадажонимиз Тойир АЛИМОВ! Сизни 5 май — таваллудингизнинг 74 йиллиги ва 9 май — Ғалаба куни билан чин дилдан қутлаймиз. Ана шундай айёмларнинг яна 74 тасини кўринг, соғ-омон бўлинг.
ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

***

Волидаи муҳтарамамиз Дилбар УСМОНОВА!
Сизни 40 ёшга тўлишингиз билан муборакбод этамиз. Худойим умрингизни узоқ, бахтингизни тўкис, насибангизни бутун қилсин. Фарзандларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг.
Оила аъзоларимиз номидан ФАРҲОДЖОН,
ТошДД толиби

***

Ҳурматли акажонларим ЮНУС ва АНВАР ПАРДАЕВЛАР!
9 май — туғилган кунларингиз қутлуғ бўлсин! Тилагим: уйингиздан бахт-саодат, файз-барака аримасин, ишларингизга омад ёр бўлсин.

Укангиз ОЛИМЖОН,
Тошкент шаҳри

ХУСУСИЙ ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани 46-ўрта мактаб томонидан Қурбанов Рустамжон Юсуфжонович номига берилган А. 312695 (19 июн, 1993 йил) рақамли йўқолган аттестат бекор қилинади.

ИЗОҲ: Хусусий эълон ва табрик эълонининг ҳар бир белгиси (ҳарфи) 20 сўм. Табрик учун битта расм (6Х9 см, ҳажмида бўлиши шарт) 5000 сўм. Табриклар бир ой муддат ичида чиқарилади. Табрик ва эълонлар 10 кун муддат ичида чоп этилса 2 баробар ҳақ олинади.

Танишув эълонининг баҳоси 2000 сўм.

«Оила ва ж... № 16 (1...

...У БЎСТОН САҲНИДА

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ

***

Севги севгилигин қилади бир кун,
Ханжаринг ногаҳон гулга айланар.
Айри йўл бошида турасан дилхун,
Оқ оққа, қорага қора жойланар.
Олисдан қалбимни тилган нигоҳинг,
Энди бир қадамдан отолмагай ўқ.
Охират шу бўлса етарми оҳинг,
Жавоблар бисёру, сўроқловчи йўқ.

КЕТДИНГ

Кетдингми?..
Ва ёхуд қолдинг юракда?
Ғамгамас ҳайратга мени ғарқ этдинг.
На кўнглим мулкига султон бўлдинг-у,
На унда ўзгага жой бериб кетдинг.

***

Ўксима, бахт азал яримдир,
Сен савоб билганинг гуноҳларимдир.
Пойингга тушган барг мен учун хумо,
Тож дея кийганинг менинг боримдир.

АРМОН

Баланд дарахт ёнида
Арча ўсар кўрк ёйиб,
Унинг кўм-кўк шоҳига
Барглар инган сарғайиб.
... Куз-ку, бир-бир дарахтдан
Барг тушади сўлгани,
Гуё тутиб қолади
Япроққа зор бўлгани.

АРОСАТ

Эҳтиёткор санар ўзини,
Қилмай дейди зиғирча хато.
Йиғламоғи бор деб кулмоқнинг,
Қўрқиб қолган кулишга ҳатто.

Шаҳзода АҲМАДЖОНОВА

ХАЁЛ

Қанийди,
Қанийди бир дам
Орзу қуши нафас олса,
Майли эди кўп эмас
Уч-тўрт марта бўлса ҳам,
Шунда бутун борлиқ жонланса.
Дарахтлар,
Гуллар,
Сувлар,
Йўллар,
Ҳаво жонланса худди одамдай.
Берса оро ўзига,
Ясанишиб, тусанишиб,
Боқишса ойна юзига худди одамлардай.

***

Тоғлар қучоғида тўлғонар майса,
Ўтли нафас олиб майин шивирлаб,
Олишар булутлар чўққидан бўса,
Қушлар ваъзхонлик қилар бидирлаб.
Хаёл қучоғида тўлғанаман мен,
Муҳаббат қалбимга даста гул тутар.
Поклик оламида чулғонасан сен,
Қалбим аразланиб бош олиб кетар.
Қалбисиз танамни хазонга босиб,
Майса чопонидан кафан кияман,
Ойнинг нурларига ўзимни осиб,
Юрагимдан ҳаёт торин қияман.
Агар сен қайтмасанг тириклик бўлиб.

Муҳаммад РАВШАН

СУВ ЙЎЛИ

Сув оппоқ қор бўлгунича босган йўлни
Унутганча Ерга томон елаётир.
Йўраб-йўраб, қум устига кўксин уриб,
Бу асфалул софилинга энаётир.
Кўнглимдаги надир, аён ўзигадир,
Муслим қорга туҳматланиш, йўқ бу таниш.
Чун теграмда улғаймоқда неча нодир,
Болакайлар тақвимидан янглиш-янглиш...

ЧИРИЛДОҚ

Чирилдоқ қайсидир зулмат ковакда
Чириллар шавқ аро сирли ва узун.
Негадир бу кеча менинг кўнглимга
Унинг сайровлари ёқмоқда афзун.
Бешак ҳар нимага қодир, дер тилим,
Бу жонзот ҳамдининг соҳиби ул зот.
Мен эса зулматли тўшакка кириб
Уйқудан уйқуга сингмоқдаман бот...

КЎНГИЛГА

Гуё само тортар кўксимни
Дил бўшлиққа интилар нуқул.
Ўктам булут ҳорғин, ўксиниб,
Тоғ қошида тин олар чуқур.
Бағир, бағир, қаҳратон бағир,
Эй сен, кўнгил аталган маъво!
Осмон тўла кўксимда сағир
Булутмисан ё тоғ-бенаво?..

Йўлдош КАРИМ

* * *

Ойнинг юзларидан сеҳрлар ёнар,
Юлдузлар ҳам тутар севинч бир тутам
Кўнгилга тасалли, на бир сўз сиғар
Сени ўйласам.
Бу кеча тўлғониб чиқади осмон,
Бу кеча тутунга тўлади хонам
Бу кеча тугамайди ҳеч қачон
Сени кўрмасам.
Кўнглимни сойларга очаман
Бўлмайди, бўлмайди очмасам
Ахир мен юраксиз қоламан
Сени севмасам.

***

Товусдай товланар ёввойи олам,
Сувратинг кўзимга тўлди-ё
Яратган бу қандай улуғ ғам
Дил дарё...
Поклик гулдек қўлдан тутқуси,
Нафсдан, фаҳшдан кетгуси айро
Улғаяди ишқнинг қайғуси
Дил дарё...
Авайлаб бағримга босганим
Анордек кўнглимни эзма-ё
Усиз ҳам ғарибу ғамзада
Дил дарё...
Кулбамни тарк этган қалдирғоч,
Чах-чахлаб алёрлар айтди-ё
Энди ёр орамиз минг йиғоч
Дил дарё...
Тангридан бир шифо етгуси,
Оламга, одамга ер аро
Қўланса ғуборлар кетгуси
Дил дарё...

Неъмат ОРИФ

***

Бир умр орзулаб,
ўйлаганимдек —
беғубор,
вафодор,
чин ёрлигингча
қолиб кетдинг фақат
тушларим аро.

* * *

Ирмоқ деб, сакрамоқ бўлсанг ногаҳон,
Дарёга айланиб, қилади хуноб,
Дарё деб, сузмоққа кўрсанг ҳозирлик,
Ирмоқдек у елиб кетади шитоб.
Дарёми, ирмоқми, билолмайсан ҳеч,
Яхшими, ёмонми кечолмайсан ҳеч!

ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП

АЖИНА ҲИНДИСТОНДА ТУҒИЛГАН

Беруний СУЛТОНЗОДА — Хоразмнинг Боғот туманидан. Абу Райҳон Берунийдан роппа-роса 1000 йил кейин туғилган. 21 ёшда. ТошДД 4-курс толиби, Деҳлидаги ПМСда халқаро журналистика курсини ўтаб қайтди.

...Водий шабадалари бўғилди. Чакалакзор оралаб кетаётган овчилар бирдан тўхтадилар. "Ҳавони ғуборлантириб, тинимсиз тутун тарқатаётган жой шу ерда эмасмикан?!" Овчилар ён-атрофларига мўралай бошладилар. Кўзларига қандай тирик мавжудот кўринмасин, уни ўлдиришга, янчишга тайёр эдилар. Аммо узоқ вақт кутишга тўғри келди. "Ўлжа" кутавериб, офтоб билан хайрлашишди, қош ҳам қорайди...

Шунда ногаҳон осмондан бир юлдуз учди, ерда улкан Гулхан пайдо бўлди. Унинг атрофида эса ҳар хил ҳаракатлар қилиб, ғалати товушлар чиқарувчи махлуқлар кўрина бошлади. Овчилар кўзларига ишонмай, довдираб қолишди. Улар на қочишни ва на чопишни билардилар. Бу дамда қаршиларидаги ажиналарга ҳужум қилиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмасди!..

Мана шу "ажина"ларга қўшни яшайдиган қабилаларнинг шўри бор эди. Яъни уларни қўрқитадиган нарса нафақат "Тутун", балки овга чиққан қабиладошларининг сирли ғойиб бўлишлари ҳам даҳшатли ҳодиса эди.

...1908 йил Лондонда Мисвил Ҳилл томонидан ёзилган "Ҳиндистон маданияти ва Табақалари тизими" китобида биз мавзу қилиб олаётган "Ажиналарнинг келиб чиқиши" тўғрисида маълумотлар бор.

Қадимги Ҳиндистон ерларида қабила-қабила бўлиб яшовчи (шундай ижтимоий тузум ҳукм сурган даврда) кишилар ўз [illegible]ари ва эътиқодларига эга эдилар. Ана ўша пайтлардаёқ юқорида тилга олинган "Ажиналар қабиласи" мавжуд бўлиб, бошқа қабилалар орасида катта эътиборга эга бўлганлар. Бундай қабилаларни икки хил номлашган. Уларни "Ажиналар" ёки "Йўлбарс"лар деб аташган. Бу бежиз эмас албатта. Чунки бундай қабилаларнинг оддий бир аъзоси ҳам Ажина, ҳам Йўлбарс хусусиятига эга бўлган.

М. Ҳиллнинг ёзишича, ана шундай даҳшатли қилқатлар қабиласи ўзгаларга нисбатан бирмунча маданиятли бўлишган. Ажина-йўлбарслар ёзишни билганлар. Олов ёқишни биринчи бўлиб ўрганганлар (!) Ов қилишнинг янги "усул"ларини ўйлаб топишган. Ажина-йўлбарслар дунёни яхши илгаганлар. Уни тушунишга ҳаракат қилганлар. Шу боис ҳам улар Яратган — Худо тушунчасини дастлаб англай бошлаганлар. Жамоа кишилари бир-бировларига қаттиқ ҳурмат билан қараганлар. Ота-оналар эса фарзандлари тарбиясига алоҳида қизиққанлар. Тозаликни хуш кўрганлар. Ювиниш ва тоза сувда чўмилишнинг қандай наф бериши уларга яхши маълум бўлган. Улар кўпинча сабзавот-мевалар билан озиқланганлар.

Албатта бу даврда ижтимоийлик кенг ривожланмаган. Бир қабила билан иккинчи қабиланинг ўзаро қизиқишлари кичик доиралар кўламидагина кўринган, холос...

Ҳар қандай Дунёвий эътиқоднинг ибтидоси бўлади. Жумладан, Йоганинг ҳам классик даври бўлган. Мақоламизнинг бошида Эрамиздан олдинги даврда йоглар, яъни "ажина-йўлбарслар" ҳаёти ҳақидаги умумий маълумот-манзарани беришга ҳаракат қилдик.

Маълумки, Йоганинг ватани Ҳиндистон. Манбаларда ёзилишича, эрамиздан олдинги V-IV асрлар Йоганинг илк шаклланиш даври бўлган. Фанда Ведик (Ведалар) даври деб ном олган ўша асрларни балки яна бир ном — Биринчи Йоглар Даври десак хато қилмасмиз. Ҳақиқатан ҳам Ведалар ва Йоглар тушунчаси энг қадимий сўзлардан ҳисобланади. Классик йоглар ўз худоларига талпинишлари ва ибодат қилишлари натижасида ўз маҳоратларини оширганликлари аниқ гап. Нега деганда инсонлар ўзлари қўрққан ёки бўлмаса шафқат сўраган маъбудаларига қаттиқ ишонганлар. Шу муносабат билан ўша "классиклар" ғайритабиий (ўта табиий) бўлган ҳаракат машқларни ҳар куни такрорлаб турганлар...

Хўш, Йоганинг кашфиётчиси ким? Бугунги кунимизгача тан олиниб, аммо баъзан шубҳаланиб келинаётган Патранжали (эрамиз бошида яшаган) номи бизнинг эътиборимизни тортади. Унинг ёзиб қолдирган иккита асари Йога илмининг бошланғич нуқтасидир. Булар "Йога Сутра" ва "Ража Йога" деб номланади. Ушбу мўъжаз ва тарихий ҳисобланадиган бебаҳо асарларнинг қай бири олдин ёзилганлиги эса ҳозиргача жумбоқ бўлиб келмоқда.

"Йога Сутра" тўла, мукаммал асар ҳисобланмаса-да, унда йоглар ва йога машқлари тўғрисида умумий маълумотлар бор. Иккинчи китоб "Ража Йога" — қирол учун ёзилганлиги маълум. Яъни муаллиф ўз китобида Қирол бажарадиган Йога машқларини туркум қилган. Эски санскрит тилида ёзилган Патранжалининг юқоридаги асарлари бугунги кунда ҳам катта аҳамият касб этади. Йога дегани нима? Йога сўзи санскрит тилидан олинган бўлиб, бирлашув маъносини билдиради. Бу бирлашув — инсон танаси ва руҳи билан Худо орасидаги муносабатларда кўринади.

Йога илми асосан саккизта мукаммал туркумдан иборатдир. Булар қуйидагилар: Яама, Нияма, Асана, Пранаяма, Пратяҳара, Дҳарана, Дияна, Самади.

Яама — ҳақиқат, ўзгани ранжитмаслик, қаноатлилик, ўғри бўлмаслик ва қизғанчиқ бўлмаслик шартларига бўйсунади.

Нияма — озодалик, ўзликни бошқара билиш, шукр қилиш, диний китобларни ўқиб ўрганиш ҳамда барча ҳаракатларимизнинг бошқарувчиси Қодирга бош эгишни ўзида мужассамлаштиради.

Асана — бу универсал руҳий қоидалар мажмуи бўлиб, бунда инсон ўз табиий кучи ва ўз ақли ёрдамида янада катта куч-қудрат йиғади.

Пранаяма — алоҳида машқлар туркумидан иборат.

Пратяҳара — фикр ва сезгилар фаолиятини тўғри бошқаришни ўргатади.

Дҳарана, Дияна ва Самади — бир-бирига ўта яқин бўлган узвий бўлим, учлик туркумдир. Дҳаранада фикрни йўналтириш тартиб топади. Ундан кейинги даврлар — Дияна ва Самадида эса камолот танишуви содир бўлади. Юксак даражадаги индивидуал англаш ҳосиласи киши танаси ва руҳини ўзгартиради.

Йама, Нияма, Асана ва Пранаяма Йоганинг асосий — Ҳаракат (Карма) қисмини ташкил қилади. Буларда инсон гавдасининг кучланиши ва фиқрнинг соғайиши — Худо олдидаги ибодат сифатидаги ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Пранаяма, Пратяҳара ва Дҳарана эса Йоганинг илмий қисмини ўз ичига олган. Дияна ва Самади инсон танаси, фикр-ўйи ва ақли, руҳини Худо билан бириктиришга ёрдам беради.

Йога илмининг асосий мақсадларидан бири инсон ва табиат мутаносиблигини очиб беришдан иборат. Йог ким? Кўпгина манбаларда, жумладан 1988 йилда чоп этилган "Ҳиндистон Қомуси"да изоҳ берилишича, Йог — Йога мутахассислигини эгаллаган кишидир. Унинг дунёқараши ва фикрлаши оддий спортчиникидан фарқ қилади. Иккинчидан эса у ўз машқларини ибодат тарзида амалга оширади.

Машҳур йоглардан бири Б. К. С. Лиянгарнинг фикрига кўра, Йога спортдан бир неча бор устун туради. Спортчи машқлар давомида куч йўқотиши мумкин. Чунки у жисмоний машқларни бажаргач чарчайди. Шунингдек, спортдан кейин ўзини овқатга ташна — оч сезади. Йог эса ўз машқларидан ором топади. Хотирани йиғади. Фикри тобора тиниқлашади. Машқлардан кейин овқат ҳақида ўйламайди. Моддият ҳақида ҳеч ҳам қайғурмайди.

Йога машғулоти инсонни ҳар томонлама ўсиб-улғайишга ундайди. Унга мадад беради. Ишда, ўқишда ёки оилада беҳаму-кўст шахс бўлиб қолишга ҳатто кафолот беради. Чунки Йога таълимоти ҳар доим хотиржамликни талаб қилади.

Дарвоқе, ўзимизнинг мусулмончиликда ҳам йога таълимотига қиёс қилса бўладиган нарсалар бор. Мисол учун намоз ўқилишидаги баъзи ҳаракатлар унинг машқларидан айтарлик фарқ қилмайди. Насиб этса бу ҳақда алоҳида тўхталамиз.

Мақоламизни ёзишдан аввал йога билан шуғулланувчи кишилар суҳбатида бўлдик. Янги Деҳлида истиқомат қилувчи Раве Рама Кришна, Ажай Варма ва Бҳарат Бабу исмли шахслардан яхши фикрлар олдик. Умуман кўпчиликнинг фикрига таяниб шуни қўшимча қилиш мумкинки, бу таълимот инсоннинг руҳий эркинлигини ҳамда камолотга талпиниш иштиёқини уйғотади.

Ҳиндистон мамлакатида Йога таълимотини ўргатувчи иккита олий мактаб мавжуд. Булардан бири "Бомбей Йога институти" деб аталади. Иккинчиси эса пойтахтнинг қоқ марказида жойланган бўлиб, "Халқаро психо-физик йога терапияси институти" номи билан дунёга машҳур. Иккала институт ўз баҳрига ўн мингдан ортиқ талабани жалб қилган. Институтларнинг кутубхоналарида ҳар хил диний китоблар қатори аниқ ва гуманитар фанларга оид салкам бир миллионга яқин китоблар сақланади. Бу олий билим даргоҳларида курраи заминнинг 50 та мамлакатидан келган ёшлар таълим ва тарбия оляптилар.

Ҳиндистон, Деҳли



АЙИҚ БИЛАН ОЛИШУВ

Бу воқеага кўп замонлар ҳамла қилса тилка-порамни чиқариб ташлайди. Милтиқни эшакларга ортиб, ҳамроҳларимга: "Сизлар Қорасон тоғига чиқиб кетаверинглар, мен тўғри тепага чиқиб бораман, йўлни кесиб ўтаман", — дедим. Уч соатлар ниёда йўл босдим. Бир томони Қорасон, иккинчи томони Ҳарқўш, ўртада эса катта дўнглик бор. Тепани кўзлаб кетиб бораяпман. Дўнгликка чиқишимга икки юз метрлар қолганди. Бундай қарасам, катта харсанг тошнинг ёнида қўнғир айиқ турибди, ётишга ҳозирлик кўраётган экан. Узоқдан бўкириб, менга дўқ қила бошлади. Нима қилиш керак? Бир майда тошлар орасида изини йўқотиб қўйдим. Атрофга қарай-қарай катта бир Зов тош устидан бориб қолдим. Юқори қисми ўн беш, пастки қисми йигирма метрлар бор. Шу сўқмоқдан ёқалаб бораётирман. Не кўз билан кўрайки, айиқнинг ётоғи шу ерда экан. Аста қарадим, шу Зов тагида катта ғор, чуқурлиги 5-6 метрлар чиқади. Пахмоқ қочиб келиб, шу ғорга кирган, оғриқнинг кучи билан ётолмай турган экан. Астагина орқага тисландим. Милтиқни қўлимга олиб, тос-тепасидан урсам, жойига "ётқизиб" қўяман деб ўйладим. Эҳ, милтиқ панд берса бўладими? Тепкини боссам, астагина "чиқ" этди. Шу вақт "полвон" ғорнинг ичидан чиқа бошлади. Мен эса орқамни Зовга бериб, милтиқни яна Ғор оғзига тўғрилаб турибман. У ғордан чиқар-чиқмай милтиқни тишлаб мендан тортиб олмоқчи бўлди.

— Танглайингдан ўткизиб юборай! — деб бақирдим-да, тепкисини яна босдим. Айиқ ҳам ҳужумга ўтди.Бу гал оғзи сонимга тўғри келди. Милтиқни ишлатишга ҳам фурсат бўлмай қолди. — Эҳ тумшуғинг — деб бир қўллаб таёқ билан тумшуғига уч-тўрт бор туширдим. Айиқ бўлса ўкириб-ўкириб кўндаланг бўлиб қолди.

Оғзи бир томонимга ўтиб кетди. Од оёғи ҳам, жунлари ҳам менга шундоққина тегиб турибди. Ўлим бир қадам. Ўзини қайта ўнглаб олмасдан чаққонлик билан милтиққа ўқ жойлашга улгурдим. Айиқ қоча бошлади. Орқасидан тушдим. У лапанглаб сойнинг нариги бетига ўтиб кетди. Нишонга олиб ўқ уздим: сездим, орқа умуртқасини узиб юборди. Юз қадамча юриб катта бир тош олдида тўхтади, мен томонга сўнгги бор ўгирилди ва қулади...

Илк бор ўқ узганимда ўпкасини тешиб ўтибди. Шунинг учун мен билан олишганда олд оёғини ишлата олмасдан, фақат оғзини ишга солган экан. Ҳарқалай, ундан устун келдим. Чаққон ҳаракатларим мени ўлимдан сақлаб қолди.

Кашқадарёлик овчи Абдушукур ХАЛИЛОВнинг ҳикоясини оққа кўчирувчи Жалол ЯХШИБОЙ

ТЎРТ ЭЛНИНГ ҲОФИЗИ

Ўзининг ёқимли овози ва бетакрор санъати билан эл оғзига тушиб ҳурмат қозонган буюк ҳофиз, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ҳамда Татаристон халқ артисти Отажон Худойшукуровнинг ойнаи жаҳонда кўринмай қолганига анча бўлди. Хоразм ва Қорақалпоқдан чиққан қаламкашларнинг айтишича Отажон ака анчадан буён бетоб бўлиб ётган экан. Энг сўнгги маълумотларга кўра айни паллада ушбу севимли ҳофизимизнинг соғлиғи анча яхшиланган. Худо хоҳласа яқин ойлар ичида санъатдаги фаолиятини яна бошлаб ҳам қолар.

"Яхши ният — ярим давлат" деганларидек ажабмаски, мамлакат радио тўлқинларию, овоз ёзиш студиялари орқали Отажон Худойшукуровнинг янги қўшиқлари, жўшқин овози билан қайта дийдорлашиш тез кунлар ичида барча қўшиқ шинавандаларига баб-баравар насиб этса.

Бўлажак журналист, ТошДД толиби Кенжабой Бегжонов яқинда ушбу санъаткор билан суҳбатлашиб келди:

Отажон ака билан суҳбатлашиш истаги анчадан буён кўнглимда бор эди. Лекин учрашишнинг ҳеч мавриди бўлмади. У киши Хоразмда — шифохонда даволанаётган экан. Бу орада ўқиш бошланиб ниятим анча унутилгандай бўлди. Лекин бир суҳбатдош истаб, кўнглим бир илиқлик тусаган пайтлари Отажон ака тез-тез ёдимга тушиб туради. Шу сабабдан тўғри ҳофиз юртига, Тўрткўлга йўл олдим. Отажон ака иродаси кучли одам экан. Ҳою-ҳавас, ортиқча бойлик ортидан қувмаган. Нимага эришган бўлса шунисига шукур қилади.

— Отажон ака суҳбатни ота-онангиз билан таништиришдан бошласангиз?

— Ота-онам санъатга даҳлдор бўлмаганлар. Онамнинг укалари, яъни дойимиз (тоғамиз демоқчи — К. Б.) Йўлдош Аллашукуров санъатни севган, яхши ҳофиз эди. Шу сабаб унинг шоирлар, ҳофизлар билан борди-келдиси яхши эди. Устамиз Комилжон Отаниёзов билан ҳам яхши улфат бўлган.

— Комилжон Отаниёзов билан танишишингизга ҳам дойингиз сабабчи бўлган эканда?

— Шундай. Менга ҳам у кишининг нуқси урган. Шу сабабданми 9-10 ёшимдан санъатга қизиқ бошлаганман. Олдин доирачи бўлмоқчи эдим. Мана шунгаям 40 йил бўлиб қолибди.

— Отажон ака, кўпчилик санъаткорлар, ёзувчи, шоирлар чекка бир қишлоқда, ёки бир вилоятда туғилиб катта шаҳарда, масалан Тошкентда ижод қилгиси келади, ёки муқим шу шаҳарда яшаб қолади. Сиз эса туғилган юртингиздан кетмадингиз?..

— Дарахт бир жойда кўкаради. Ўрнидан кўчса қурийди. Одамни ҳам шунга қиёс қилса бўлади. Инсон аввало ўз туғилган юртида қадр топиши керак. Одам ўз жойида қадр топмаса бошқа юртда ҳурмат орттириши қийин.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Аёлим уй бекаси. 32 йил бўлаяпти, аҳил яшаяпмиз.

— Инсон оилада бахтли бўлмаса, ҳаётда ҳам бахтли бўлолмайди дейишади?

— Биласизми ука, санъаткор халқи жуда қизиқ, табиати нозик бўлади. Бировлар учун арзимас бўлиб туюлган нарса унга қаттиқ таъсир қилиши мумкин. Шуни тўғри тушуниб, тўғри қабул қилган аёлгина санъаткор эри билан яшаб кетиши мумкин. Худога шукур бу томондан бахтлиман.

Ҳофизнинг уйларига борганимда меҳмон кутишга тайёргарлик кўрилаётган экан. Отажон аканинг ўзлари айтиб қолдилар. "Эртага туғилган куним, бир кам элликка тўлдик, узоқ-яқиндан дўстлар келиб қолиши мумкин, шунга озгина тайёргарлик". Бу орада Туркманистондан ҳофизнинг мухлислари йўқлаб келишди. Шу боис суҳбатимиз меҳмонлар даврасидаям давом этди.

— Отажон ака, мана бир кам эллик ёшдасиз. Ҳаёт ҳақида ҳам бир нима денг? Нималардан афсусдасиз?

— Ҳаётда ўйлаганимдан ҳам яхши, кўнглимдагидек яшаяпман. Ҳеч нарсага афсусланмайман.

— Энг яқин дўстларингиз ким?

— Ортиқ Отажонов, раҳматли Рўзимат Ғоипов, ҳам яқин дўстим эди.

— Ашулачилардан кимларни ёқтирасиз?

— Ориф Алимахсумов, Фаттоҳжон Мамадалиев. Айниқса Ориф акани ҳурмат қиламан. Санъаткорлар ичида энг сипойиси (камтарин маъносида — К. Б) ҳам зўри ҳам шу ўзи. Қўшиқчиликда "мен" деган гап бўлмаслиги керак. Ҳофиз қанча мулойим, одамшаванда бўлса, уни халқ шунча эъзозлайди. Академик бўладими, машҳур ашулачи бўладими у аввало одам бўлиши керак. Қобуснамадаям айтилган — санъаткор доимо пок юриши, инсофли бўлиши керак деб.

— Нима учун фақат классик ашулалар айтасиз?

— Бисотимнинг саксон фоизини фақат классик ашулалар ташкил қилади десам тўғри бўлар. Чунки классикада маъно, қалб нидоси кучли ифодаланади.

Гурунгимиз орасида Отажон ака видеотасвирга туширилган янги ашуласини қўйиб берди.

— Ёзда чет элга ижодий сафарга бордик. Дўстларимиз ҳар куни айланишга, шаҳарни томоша қилишга чиқиб кетишади. Мен хонада қоламан. Хаёл суриб ўтираман. Шунда миямда бир икки сатр пайдо бўлди. Сафардан қайтгач шоир Ошиқ Эркинга айтдим. Шу икки сатрни қўшиб қўшиқ қилиб берди. Яхшиям ашулани вақтида ёзиб олган эканмиз. Шундан бери мана анча мазам йўқ.

...Ўтираман ўйланамаҳ,
Тўлғонаман ҳам ёнаман.
Санинг мовий кўзларингни
Хумор-хумор соғинаман.

— Устозингиз Комилжон Отаниёзов қандай инсон эди. Характеридаги бирор жиҳатларини эслаб гапириб беринг?

— Ростгўй, ҳалол одам эди. Тезкорлиги ҳам бор эди. Айбингизни юзингизга шартта айтарди. Ўйларига борсам қўлига тор олиб бирор бир куй, қўшиқ устида ишлаб ўтирган бўлардилар. Мени кўриши билан ёнидаги мусиқачиларга тўхтатинглар "ўтри" келди, куйимизни ўтирлаб бизлардан олдин айтади. У кетгандан кейин давом эттирамиз, дердилар ҳазиллашиб. Бизлар у пайтда анча ёш, эшитган нарсамизни дарров илиб оладиган бўлганмиз.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиб кетди. Отажон ака руҳлар билан гаплашиб, беморларни даволовчи ноёб қобилиятли қиз ҳақида гапириб берди. Ўктам Аҳмедов Қашқадарёга борганида (хоразмлик таниқли хонанда) ўша қизнинг дарагини эшитиб онасини даволатиш учун Хоразмга олиб келган экан. Отажон ака ҳам бетоблиги сабаб қизга кўринибди. Шундан кейин устозлари Комилжон Отаниёзов қабрига боришибди.

— Устани зиёрат қилиш учун Ўктам иккаламиз руҳлар билан мулоқот қиладиган қизни олиб қабристонга бордик. Бизлар орқароқда қиз олдинда эди. Қабрга яқинлашганимизда худди биров туртгандек қиз орқага қалқиб кетди. Қабрга жуда яқин борган бўлса керак, шундан чўчиб кетди деб ўйладик. Ўзим шундай нарсаларга ҳеч ишонмасдим. Аммо қиз устознинг руҳи билан мулоқот қилганини кўриб ҳайрон қолдим. Ҳаяжонланганимдан ҳеч нима эсимда қолмади.

— Шоирлардан кимларни ёқтирасиз?

— Омон Матжон, Ошиқ Эркин каби шоирларнинг сўзларини кўпроқ қўшиқ қиламан.

— Хўп, Отажон ака, суҳбатингиз учун раҳмат. Зериктириб, толиктириб қўйган бўлсам узр.

— Хуш кўрдик, узилиб кетмасдан тез-тез келиб туринг энди.

Отажон Худойшукуров инсон қалбини тушуна биладиган камтарин одам. Тил учида эмас, дилдан гаплашади. Шу сабабдан бўлса керак эл-улус, катта-юкичик ҳамма ҳурмат қилади. Ҳофиз билан хайрлашар эканман, тезроқ тузалишларини дилдан истаб у кишига Оллоҳдан фақат соғлиқ тиладим.

Кенжа БЕГЖОНОВ

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙЙИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Зокир УВАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Таҳририят келган матларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар "Оила ва жамият" дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95
Икром ИСКАНДАР навбатчилик қилди
Обуна индекси -64654
Рўйхатга олиш №33
Буюртма №Г-965. 34584 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси , 41-уй.